Куч — адолатда

2014 йил
19 сентябрь,
жума
№ 38 (499)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Истиқлол йилларида халқимизнинг маънавиятини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг самараларини бермоқда. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек, бу соҳада эришган марраларимиз билан биз ҳеч кимдан кам бўлмасдан, кўпгина манаман деган давлатлардан ўзиб кетганимиз энг муҳим ютуғимиздир.



АЖДОДЛАР ТАРИХИЙ МЕРОСИ

ёшларимизга ғурур-ифтихор, ишонч ва илҳом бағишламоқда

Маънавият — аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк вазифасини бажаради. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, аждодларимиз тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун, аввало, асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак.

Ана шундай эзгу мақсад ва тафаккур билан яшаган халқимиз жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Шарқу Ғарбни ўзаро боғлаган, буюк цивилизациялар туташган юртимиз ҳудудида илм-фан, маданият азалдан ривожланган. Айниқса, ўрта асрларда она заминимиздан минглаб олиму шоирлар, буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги қадимий обидалар бутун башариятнинг маънавий мулки ҳисобланади.



Тарихимизнинг бойлиги ва буюклиги, аввало, халқимизнинг юксак маънавияти ва маърифати билан боғлиқдир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маданият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшганлар.

Мустақиллик йилларида буюк аждодларимизнинг номлари тикланди. Уларнинг ҳаёти ва бебаҳо меросини ўрганиш, қадамжоларини обод этиш ва асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан оқ маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама баркамол шахсларни, бир сўз билан айтганда, буюк аждодларимизга ҳар томонлама муносиб авлодни шакллантириш истиқлол сиёсатининг узвий қисми сифатида белгилаб олинди.

Шу мақсадда мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Жорий йилнинг 28-29 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган бир қатор қонунлар муҳокама қилинди ва маъқулланди. Ушбу қонунлардан бири "Тижорат сири тўғрисида"ги қонун 2014 йилнинг 12 сентябрида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Yangi qonun mohiyati

Тижорат сири муҳофазаси

янги қонун билан янада такомиллаштирилди

Маълумки, "Тижорат сири тўғрисида"ги қонун қабул қилингунга қадар бу борадаги муносабатлар амалдаги Фуқаролик кодекси, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонун ҳамда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб келинаётган эди. Бироқ мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу соҳадаги ҳуқуқий ёндашувларнинг турлитуманлиги, тижорат сирини ҳимоя қилиш институтининг мазмуни бир хил маънода акс этмагани ва айрим масалаларнинг етарли даражада ўрганиб чиқилмагани боис "Тижорат сири тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Қонун атамалари ўйғунлаштирилмоқда ва халқаро андозаларга мослаштирилмоқда



Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида депутатлар томонидан "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг 36-моддаси ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан кўзланган асосий мақсад — амалдаги қонун ҳужжатларини 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонун нормаларига мувофиқлаштиришдан иборат.

Бунда, шунингдек, техник омилкорликни ошириш мувофиқликни баҳолаш органлари фаолияти натижаларининг халқаро майдонда тан олинишини таъминлаш ҳамда мувофиқликни баҳолаш ишларини бажаришда такрорланишнинг олдини олиш сингари муҳим вазифалар назарда тутилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Пойтахтимизда "Миллий интернет-журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида республика илмий-амалий семинари бошланди.

Xabar

Ўзбекистонда интернет-журналистика ривожланмоқда

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар ахборот хизматларининг масъул ходимлари, медиа соҳа экспертлари, марказий, ҳудудий босма ва интернет оммавий ахборот воситалари журналистлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчи ва талабалари, блогерлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А.Файзуллаев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари О.Тошбоев ва бошқалар сўзга чиқди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ko`magi

Шартнома ижроси

томонлар манфаатини таъминлайди

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ва ҳамкор ташкилотлар ўртасида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи шартнома қонунчилигига тўлиқ риоя этиш, ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларини изчил равишда такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, шартнома шартларини тўлиқ адо этиш тарафларнинг манфаатларига хизмат қилибгина қолмай, иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Юртимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланиши Конституциямиз ҳамда амалдаги қонунларимиз асосида кафолатлаб қўйилган. Пировардида ҳар бир фуқаро эмин-эркин яшаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш сингари ҳуқуқларидан кенг фойдаланмоқдаки, бу турмушимизнинг ободлиги ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон шаъни ва қадр-қиммати муқаддасдир

унга дахл қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Бироқ ҳаётда яратилган кенг кўламли имконият ва шарт-шароитларни суиистеъмол қиладиган, чиркин ва нопок қилмишга қўл уриб, мўмай даромад орттиришни кўзлайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Шундай нопок қилмишлардан бири одам савдоси жиноятидир. Шахснинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда унинг келажагини жиддий хавф остида қолдириши билан ўта хавфли жиноят ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Mulohaza

Фарзанд тарбияси

у ҳар биримизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, турли омиллар туфайли ҳуқуқбузарлик содир этган ёки билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган айрим ёшларни соғлом турмуш тарзига қайтаришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Айниқса, бу борада "Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси тўғрисида"ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Тақдир экан, фарзанд кўрмаганимиз боис яқинда эрим билан қонуний тарзда ажрашдик. Ҳозирда ёлғиз яшайман. Айтинг-чи, мен ҳам фарзандликка бола олишим мумкинми?

К. БОТИРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри

— Маълумки, Оила кодексининг 151-моддасида фарзандликка олиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади.

Ака-укалар ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди, фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларига мувофиқ келган ҳоллар бундан мустасно.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 152-моддасига кўра, вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;
- асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;
- ушбу кодекснинг 169-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;
- қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўгай ота ва ўгай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Юқорида баён этилганлардан кўринадики, сиз ҳам фарзандликка бола олиш ҳуқуқига эгасиз.

Эшитишимча, бож олинмайдиган савдо дўконлари мавжуд экан. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

А.АСҚАРОВ,
Наманган вилояти, Чуст тумани

— Маълумки, Божхона кодексининг 29-моддасига кўра, бож олинмайдиган савдо дўкони шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудининг божхона органлари ушбу Кодексга мувофиқ белгилайдиган жойларида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида туради ҳамда реализация қилинади.

Бож олинмайдиган савдо дўконига божхона ҳудудига олиб кириш ҳамда ундан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш тақиқланган товарлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши чекланган товарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бож олинмайдиган савдо дўконида реализация қилиниши мумкин.

Бож олинмайдиган савдо дўконига жойлаштирилган товарлар бож олинмайдиган махсус савдо дўконларида реализация қилинади.

Кўп қаватли уйда истиқомат қиламан. Ён қўшним уйида ит сақлайди. Айтинг-чи, кўп қаватли уйларда уй ҳайвонларини сақлаш мумкинми?

М.НАЗАРОВ,
Тошкент шаҳри

— Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлда қабул қилинган "Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 4-иловаси 9-бандига кўра, кўп қаватли уйнинг алоҳида квартирасида қўшниларнинг ва хусусий уйжой мулкдорлари ширкатининг розилиги билан биттадан ортиқ бўлмаган итни ва битта мушукни сақлашга рухсат берилади.

Алоҳида уйда итларни сақлашга фақат боғлиқ ҳолда, эркин сайр қилдиришда — атрофи ўралган ҳудудда ажратилган ҳолда сақлашга йўл қўйилади. Шунингдек, мазкур қарорнинг 10-бандига асосан, итлар очиқ жойларда сайр қилдирилганда ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари — кечқурун 22⁰⁰ дан кейин эрталаб 8⁰⁰ гача итларнинг вовиллашининг олдини олиш керак.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Аждодлар тарихий мероси

ёшларимизга ғурур-ифтихор, ишонч ва илҳом бағишламоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу моделнинг принципиал хусусияти, аввалам-бор шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайдилар.

Ўтган қисқа давр мобайнида юртимиз ҳудудида энг замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида 1500 та коллеж ва лицейлар барпо этилди.

Биргина ўтган 2013 йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, устахоналар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 60 та университет ва институтда 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Шунингдек, юртимизда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан биргаликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда.

2014 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб юртимизда, юқорида зикр этилганидек, Жанубий Кореянинг Инха университети филиали фаолият кўрсата бошлади, унинг асосий йўналишини ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер муҳандислиги соҳасидаги таълим ташкил этади. Ўзбекистон ёшларининг минглаб иқтидорли вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа илғор мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмоқда.



Маълумки, ўтган йилдан эътиборан мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб хорижий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди. Бу эса, албатта, фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эгаллаши, етук ва малакали кадрлар бўлиб вояга етиши учун янги имкониятлар очиб бериши билан айниқса, муҳимдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан 2013 йили ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида таълим тизимини ривожлантириш бўйича бешинчи ўринни эгаллагани соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг ҳаётий самаралари жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Бинобарин, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди.

Шу маънода истиқлол йилларида Ватанимиз тараққиётида янги босқич ва уфқларни забт этишда барчамизни қувонтирадиган энг асосий мезон, ҳеч шубҳасиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитидир.

Бу муваффақияларимиз замирида, шунингдек, юртдошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ҳамда фаоллиги, маънавий-маърифий салоҳияти, буюк аждодларимизнинг бой тарихий меросига ҳар томонлама муносиб бўлишдек покиза ният ва юксак масъулияти ҳам мужассамдир.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
Бобомурод РАЙИМОВ

Qonun ko`magi

Шартнома ижроси

томонлар манфаатини таъминлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш жоизки, адлия идоралари томонидан шартномаларнинг қонун доирасида тузилишини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Хоразм вилояти адлия бошқармаси мисолида фикр юритадиган бўлсак, жорий йилда бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳамда тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида жами 30.340 та шартнома тузиш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Аниқроқ айтганда, адлия бошқармасининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан ушбу шартномаларнинг қонунийлиги атрофлича ўрганиб чиқилиб, зарур ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган назорат, кузатув ва мониторинг тадбирлари бу соҳадаги аксарият шартномалар қонун талабларига тўла риоя этилган ҳолда тузилганини кўрсатди. Шу билан бирга, бу борада айрим қонунбузилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Жумладан, мавжуд шартномаларнинг 3181 тасида тарафларнинг реквизитлари қайд этилмагани, ҳуқуқшунос хулосаси мавжуд эмаслиги, ушбу ҳужжатлар жойлардаги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилмагани, айрим битимлар тарафларнинг муҳрлари билан тасдиқланмагани аниқланди. Шу боис адлия бошқармаси томонидан ушбу қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли корхона ва ташкилотларга 72 та тақдимнома, 54 та огоҳнома киритилди.

Шунингдек, шартномаларнинг бажарилиши бўйича аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли судларга 949 миллион 663 минг 763 сўмлик — 532 та даъво аризаси киритилди. Натижада суд қарорларига асосан 491 миллион 687 минг 682 сўмлик даъво талаблари қаноатлантирилиб, 333 миллион 041 минг 975 сўмлик асосий қарз, 993 минг 865 сўмлик неустойка ундириш белгиланди. Шу ўринда мисолларга тўхталадиган бўлсак, Янгибозор туманида фаолият кўрсатиб келаётган "А.Камолиддин" фермер хўжалиги билан "Янгибозор пахта тозалаш" ОАЖ ўртасида тузилган контрактация шартномасига асосан фермер хўжалиги томонидан жами 71.196.000 сўмлик пахта хомашёси етказиб берилган.

Бироқ "Янгибозор пахта тозалаш" ОАЖ ўзининг зиммасидаги мажбуриятни бажармасдан, маҳсулот ҳақининг муайян қисмини тўлаб беришни 31 кунга кечиктириб юборган. Ушбу ҳолат юзасидан фермер хўжалиги фойдасига ўз муддатида тўланмаган 3.192.000 сўм асосий қарз ҳамда пеня ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритилди.

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2014 йил 26 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига жами 3.204.786 сўм ундириш белгиланди.

Шунингдек, Шовот туманидаги "Раҳима Қўчқор" фермер хўжалиги билан "Шовот пилла" масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган контрактация шартномасига асосан фермер хўжалиги 400 килограмм пилла хом ашёси етказиб бериш, масъулияти чекланган жамияти эса, белгиланган муддатларда унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Фермер хўжалиги шартнома шартларини тўлиқ бажариб, жамиятга 400 килограмм, пилла хом ашёсини ўз вақтида етказиб берган. Бироқ "Шовот пилла" масъулияти чекланган жамияти шартнома шартларини тўлиқ бажармасдан, 588.643 сўм миқдоридаги маблағни тўламай келган.

Ушбу ҳолат юзасидан "Раҳима-Қўчқор" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2014 йил 1 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан жами 618.075 сўм ундириш белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, шартномавий муносабатларга масъулият билан ёндашиш, бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш юртимизда тадбиркорликнинг ривожига хизмат қилади. Бу эса, табиийки, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Равшон НЕЯЗМЕТОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон шаъни ва

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунё миқёсида ҳар йили 2 миллион 700 минг нафар шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Дунё миқёсида йилига 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўли билан хорижий давлатларга олиб кетилиб, катта маблағ эвазига сотиб юборилмоқда.

Айтиш керакки, мамлакатимизда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, одам савдосидек қабиҳ қилмишга тўлиқ барҳам бериш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мамлакатимиз томонидан 2003 йил 12 декабрда БМТнинг "Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликда фойдаланишга қарши кураш тўғрисида"ги, "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги конвенциялар ратификация қилинди. Ўзбекистон ушбу халқаро ҳужжатлар талабидан келиб чиқиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажариб келмоқда. Шунингдек, бу борада 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги, 2008 йил 29 августда "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. 2009 йил 24 ноябрда Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган "Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор бу борада муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро Республика комиссиясининг ташкил этилиши юртимизда ушбу жиноятчиликка қарши курашишда ўз самарасини бермоқда. Одам савдосидан жабрланганларга тиббий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган республика реабилитация марказининг изчил фаолияти ҳам бу фикрнинг амалий тасдиғидир. Эндиликда мазкур марказ томонидан одам савдосининг чиркин домига тушиб қолган шахсларни бепул даволаш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш сингари хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Кези келганда яна шуни айтиш жоизки, судлар томонидан одам савдосидек қабиҳ қилмишга қўл урган кимсаларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Масалан, жабрланувчи Фазлиддин Қаюмов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам одам савдоси жиноятидан жабр чекканлардан бири саналади. Гап шундаки, у кунлардан бирида тенгдоши К.Жаниев билан танишиб қолади. Бир куни К.Жаниев Фазлиддинга отаси хорижда ишлаётгани, агар дўстинг билан бирга келсанг, ишга жойлаштириб қўяман, деб хабар қилганини айтади.

Шундан сўнг К.Жаниев Фазлиддиннинг ота-онасига ҳам хорижда яхши ҳақ тўлайдиган иш борлигини, отаси ёрдам беришини айтаркан, ўғлингиз ишлаб, иш ҳақини тўлиқ олиб, соғ-саломат қайтиб келишига мен кафолат бераман, дея уларни ишонтиради.

Шундан сўнг улар хорижга йўл олишади. Буни қарангки, ўзга юртга келгач, Ф.Қаюмовнинг ўйлаганлари сароб бўлиб чиқади.

Yangi qonun mohiyati

Тижорат сири муҳофазаси

янги қонун билан янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу вазифаларнинг ижросини амалда самарали таъминлашда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари ҳисобга олинди, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бир қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Германия каби давлатларнинг тажрибаси атрофлича ўрганилди.

Қайд этиш жоизки "Тижорат сири тўғрисида"ги қонун миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган 21 моддадан иборат бўлиб, унинг мақсади — тижорат сирини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонуннинг "Асосий тушунчалар" деб номланган 3-моддасида "тижорат сири", "тижорат сирининг махфийлиги", "тижорат сирининг мулкдори", "конфидент", "тижорат сирини ошкор этиш" ҳамда "тижорат сири режими" каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган меъёрлар ўз ифодасини топди. Хусусан, тижорат сири деганда, учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот тушунилса, тижорат сирининг махфийлиги эса, тижорат сирининг тарқалиб кетиши, ошкор этилиши ва ундан рухсатсиз фойдаланилиши хавфсизлиги таъминланган ҳолат тушунилади.

Ўз навбатида, тижорат сирининг мулкдори тижорат сирига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишни амалга оширувчи ва унга нисбатан тижорат сири режимини ўрнатган юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади. Конфидент эса, тижорат сирини унинг мулкдори билан тузилган шартнома асосида эгалик қилишга ва фойдаланишга олган юридик ёки жисмоний шахсдир.

Тижорат сирини муҳофаза қилиш тижорат сирининг махфийлиги йўқоладиган пайтга қадар унинг мулкдори ва (ёки) конфидент томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари "Тижорат сири тўғрисида"ги қонунда тижорат сири режимини ўрнатиш, тижорат сири режимини ўзгартириш ёки бекор қилиш, тижорат сирини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, тижорат сирини меҳнат муносабатлари жараёнида муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатлари жараёнида тижорат сиридан фойдаланишни бекор қилиш учун асослар каби меъёрлар ҳам ўз ифодасини топган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, меҳнат муносабатлари жараёнида тижорат сиридан фойдаланишни бекор қилиш учун меҳнат шартномаси (контракт)нинг ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг бекор қилиниши; тижорат сирини ошкор этмаслик бўйича олинган мажбуриятларнинг бузилиши каби асослар бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳолатлар ҳам меҳнат муносабатлари жараёнида тижорат сиридан фойдаланишни бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин. Меҳнат муносабатлари жараёнида тижорат сиридан фойдаланишнинг бекор қилиниши ходимни тижорат сирини ошкор этмаслик бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод этмайди.

Мазкур қонуннинг 13-моддаси хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатларида тижорат сирининг муҳофаза қилиниши деб номланиб, унда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан савдо-иқтисодий, фан-техника, валюта-молиявий ва бошқа муносабатларни амалга ошираётганда келишувчи тарафлар тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг тавсифини ва рўйхатини, шунингдек, унинг муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича ўзаро мажбуриятларни алоҳида шартлашиб олиши назарда тутилган.

Шунингдек, ушбу қонунда тижорат сири унинг мулкдори томонидан конфидентга топширилганда тижорат сирини муҳофаза қилиш, тижорат сирини тақдим этиш, тижорат сирини тақдим этишда унинг махфийлигини таъминлаш, тижорат сири билан судда таништириш чегаралари ҳам мустаҳкамланди.

Хусусан, қонуннинг 17-моддасига кўра, суд муҳокамаси чоғида судни ва ишда иштирок этувчи шахсларни тижорат сири билан таништиришга тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этаётган низонинг мазмунига бевосита тааллуқли бўлган қисми бўйича йўл қўйилади.

Шу билан бирга, суднинг тижорат сиридан чекланмаган ҳолда фойдаланишига фақат тижорат сири мулкдори ёки конфидентнинг давлат органлари билан низоларида; тижорат сири мулкдорининг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилганда, тижорат сирининг мулкдори тугатилганда ёхуд унинг фаолияти тугатилганда; тижорат сири ворислик объекти бўлганда ворислик ҳуқуқи хусусидаги низоларда; эр-хотин ёки улардан бири тижорат сирининг мулкдори бўлганда уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низоларда; тижорат сирининг мулкдори ва конфидент ўртасидаги низоларда ҳамда тижорат сири мулкдорининг ва (ёки) конфидентнинг муассислари ўртасидаги низоларда рухсат берилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши хўжалик субъектларининг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзига тегишли тижорат сирини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъект тижорат сирининг мулкдори сифатида тегишли ҳуқуққа эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларини амалга оширишда, шунингдек, бу борадаги бошқа муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Зафар РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Mulohaza

Фарзанд тарбияси

у ҳар биримизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш жоизки, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оила, мактаб, маҳалла ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ўзаро ҳамкорлиги ғоятда муҳим ўрин тутади.

Агар вилоятимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркибига ўқитувчилар, ота-оналар касаба уюшмалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари жалб этилган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг камайишига эришилмоқда. Буни маълумотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2012 йилда жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судлари томонидан вояга етмаганлар билан боғлиқ 159 та жиноят иши кўрилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 119 тани ташкил этган. Аниқроқ айтганда, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 40 тага камайган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, амалдаги қонунларимизда ўзининг теран ифодасини топган бағрикенглик, кечиримлилик каби тамойиллар жиноий қилмишга қўл урган айрим вояга етмаганлар ҳаётда яна ўз ўрнини топиб олишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, Жиноят кодексининг 85-моддасида "Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди", дея белгилаб қўйилган. Бундан ташқари вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд томонидан судланувчига шартли жазо тайинлаш тартиби ҳам жорий этилган.

Бинобарин, 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташнинг белгиланиши вояга етмаган шахснинг ўз хатосидан хулоса чиқариб, яна тўғри йўлга тушиб олиши учун яратилган имкониятдир, десак хато қилмаган бўламиз.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, вояга етмаган Ж.Шеров ва О.Ўктамовлар (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Қўқон шаҳрида жойлашган автомашиналар сақланадиган гаражга киришади ва М.Мелиевга тегишли "Рига" русумли велосипедни ўғирлаб кетишади.

Бироқ уларнинг қилмиши тез орада фош бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, судланувчи вояга етмаган Ж.Шеров ва О.Ўктамовнинг шахсини, энди 14 ёшга тўлганини, биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир этганини, бу қилмишнинг хусусиятини, шунингдек, иш бўйича моддий зарар қопланганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олди. Суд айбдорларни Жиноят кодексининг 87-моддаси 2-қисмига кўра, жазодан озод қилиб, ушбу кодекснинг 88-моддаси 1-қисми "а" бандига кўра, уларга узр сўраш мажбуриятини юклади.

Албатта, бундан нафақат Ж.Шеров ва О.Ўктамов, балки уларнинг ота-оналари ҳам тегишли хулоса чиқариб олиши, фарзанд тарбиясига янада масъулият билан қарашлари керак.

Мухтасар қилиб айтганда, биз ёруғ келажагимизни, аввало, ёш оилалар, ёш авлод тимсолида кўрамиз. Бугун катта ҳаётга қадам қўяётган навқирон ўғил-қизларимизнинг ақл-заковотига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу ишончга болаларнинг барча ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотга оид барча ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилганлиги асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Муроджон МИРЗАЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси

Қадр-қиммати муқаддасдир

унга дахл қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Аввало К.Жаниевнинг отаси Шоназар Жаниев унинг фуқаролик паспортини олиб қўяди ва 2012 йилнинг 21 январидан 15 февралига қадар эрталаб соат тўққиздан кеч соат йигирма бирга қадар мажбурий меҳнатга жалб қилади.

Фазлиддин ўзи ишлатаётган одамлардан иш ҳақини талаб қилганда, "биз сенга иш ҳақи беролмаймиз, уни Шоназардан сўрайсан", деган жавобни эшитади.

Шундан сўнг Фазлиддин Ш.Жаниевдан иш ҳақи билан фуқаролик паспортини беришни талаб қилганда, у ҳақорат қилгани етмагандек, аёвсиз дўппослайди ҳам. Қисқаси, Ф.Қаюмов кўп азоб-уқубатларни бошидан кечириб уйига қайтиб келади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат этади.

Биринчи босқич суди судланувчи Ш.Жаниевни Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "а", "е", "з", "и" бандлари билан айбдор деб топди ва уни беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Шунингдек, жабрланувчи Ф.Қаюмовга Ш.Жаниевдан моддий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Айтиш керакки, одам савдоси жиноятига қўл урган, жабрланувчини алдаб, зўрлик ишлатиб, қўрқитиш орқали мажбурий меҳнатга жалб қилган Ш.Жаниев қилмишига яраша қонун олдида жавоб берди.

Албатта, бу воқеа ҳақида фикр юритганда, Ф.Қаюмовнинг содда ва ишонувчанлиги ўзига панд берганини қайд этиш жоиз. Холбуки, у алдовга учмай амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этганида бошига бу ташвишлар тушмасди.

Кези келганда шуни қайд этиш керакки, юртимизда хорижий давлатларга чиқиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти юритишнинг қонуний асослари яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига илова қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида"ги Низомда "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий меҳнат фаолиятини амалга оширишлари учун чет элларга фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эгадирлар" деб белгилаб қўйилган. Ушбу тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этган киши хорижда ҳам давлатимизнинг ҳимоясида бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётган экан, қонун талабидан келиб чиқиб фаолият юритиш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади. Зеро, қонунга таяниб иш юритган киши ҳеч қачон адашмайди. Буни унутмаслик керак.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Qonun ijodkorligi

Қонун атамалари уйғунлаштирилмоқда ва халқаро андозаларга мослаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, биринчидан, қонун ҳужжатларининг терминология ва ҳуқуқий нормаларини турлича изоҳлашга чек қўяди, иккинчидан, тегишли норма ва атамаларнинг бир хилда қўлланишини таъминлайди, учинчидан, мувофиқликни баҳолаш органлари ўртасида мувофиқликни баҳолаш ишларининг такрорланишига йўл қўймайди.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси билан "Метрология тўғрисида"ги ва "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Аввалам бор, "Метрология тўғрисида"ги қонуннинг 1, 5, 6, 7, 13, 15, 21-моддаларида "бирлик эталлони", "ўлчов воситаларини калибрлаш", "метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш" каби асосий тушунчаларга аниқлик киритилади. Шунингдек, ушбу қонун "синов воситаларининг метрологик аттестацияси", "синов воситаси", "юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларининг инспекция назорати" каби асосий тушунчалар билан тўлдирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунга бу ўзгартишларни киритишни Халқаро Метрология Қонунчилиги Ташкилотининг Д1 халқаро ҳужжати қоидалари ҳам тақозо этади. Қолаверса, "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси билан регламентланган "аккредитация" ва "мувофиқликни баҳолаш органлари" тушунчаларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш зарурати ҳам шуни талаб этмоқда.

Шунингдек, бугунги кун қонун ижодкорлиги амалиётидан келиб чиққан ҳолда, "Метрология тўғрисида"ги қонуннинг "Метрология тўғрисидаги қонун ҳужжатлари" деб номланган 2-моддаси ва "Халқаро шартномалар ва битимлар" номли 3-моддаси мос равишда ўзаро бирлаштирилмоқда.

Бундан ташқари "Метрология тўғрисида"ги қонуннинг 16, 17, 171-моддалари, "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўлчов воситаларининг турини тасдиқлаш, текширувдан ўтказиш ва калибрлаш натижалари Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ҳисобга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда эътироф этилишини кўзда тутадиган норма киритилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида, "Метрология тўғрисида"ги қонуннинг 181-моддасида белгиланган юридик ва жисмоний шахсларнинг ўлчов воситаларини таъмирлаш ҳуқуқи аккредитация қилиниши зарурлиги тўғрисидаги норма қисқартирилмоқда.

Бундан ташқари қонуннинг 18-моддаси "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонуннинг 10 ва 20-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, аккредитацияланган юридик шахслар, яъни метрологик хизматлар, марказлар, лабораториялар фаолиятининг инспекция назоратини ўтказиш масалаларига оид нормалар билан тўлдирилмоқда.

"Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонунда аккредитация масалалари акс эттирилгани сабабли айни шу мазмундаги нормаларни биз шарҳлаётган қонун лойиҳаси билан ўзгартишлар киритилаётган иккинчи қонун — "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг 1, 5, 7, 161-моддаларидан чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда. Бу билан амалдаги қонунчилик нормалари бир-бирини такрорлашининг олди олинмоқда.

Шунингдек, "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонуннинг 3, 6 ва 10-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг 1 ва 6-моддаларидаги "сертификатлаштириш бўйича инспекция органи" ва "сертификатлаштириш соҳасида инспекция назорати" тушунчаларига аниқлик киритиш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасидаги яна бир янгилик шундан иборатки, сифат бўйича эксперт-аудиторни аккредитация қилишнинг амалдаги тартиби ўрнига аттестациядан ўтказиш нормаси киритилмоқда.

Маълумки, сифат бўйича эксперт-аудитор номига аттестациядан ўтказиш уларнинг касбга оид омилкорлик даражасини объектив баҳолаш, қонун ҳужжатларида белгиланган малака талабларига мослигини аниқлаш ва уларнинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун жавобгарлигини ошириш мақсадида ўтказилади.

Бу борадаги ўхшаш талаблар амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, юридик хизматлар ходимлари учун кўзда тутилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 22 ноябрда қабул қилинган 244-сонли қарорни кўрсатиш мумкин. Кези келганда хорижий давлатларда ҳам айни шундай ҳуқуқий нормалар амалда эканини қайд этиш лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим ўрин тутади.

Мавлуда АЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Xabar

Ўзбекистонда интернет-журналистика ривожланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Улар ушбу тадбир мамлакатимизда интернет-журналистиканинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш тенденциялари ҳақида фикр алмашиш, веб-нашрларда мақолалар сифатини яхшилаш масаласини кўриб чиқиш, интернет оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, журналистлар билими ва маҳоратини ошириш учун ўзига хос майдон эканини таъкидлади.



Семинарда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, медиа соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш босқичлари, интернет оммавий ахборот воситалари учун кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари, шунингдек, Ўзбекистонда онлайн-журналистикани ривожлантиришнинг амалий жиҳатларига бағишланган маърузалар тингланди.

Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани таъкидланди. Бу аҳолининг ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имкониятини кенгайтиради, барқарор иқтисодий юксалишга эришиш, халқимиз фаровонлигини ошириш, юртимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бу борада ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонуни, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

1995 йил 29 апрелда ".uz" домени рўйхатга олинганидан буён унда жойлаштирилаётган веб-сайтлар сони йил сайин кўпайиб бораётгани бунинг амалий натижаларидан биридир. Масалан, 2010 йилнинг февраль ойида мамлакатимиз интернет маконида 10 мингта веб-сайт рўйхатга олинган бўлса, жорий йил сентябрда уларнинг сони 18,3 мингдан ошди. Интернет оммавий ахборот воситалари ҳам жадал ривожланмоқда. Айни пайтда оммавий ахборот воситаларининг 270 дан зиёд тармоғи фойдаланувчиларга ахборот-таҳлил хизматлари кўрсатмоқда. WWW.UZ миллий ахборот-қидирув тизими маълумотларига кўра, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг веб-сайтларига ҳар ойда 820 мингдан ортиқ фойдаланувчи кирмоқда, бир ойда веб-сайтлар ўртача 11 миллион мартадан зиёд кўздан кечирилгани қайд этилган.

— Замонавий медиа-майдон сифатида интернет оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди муҳим ўрин тутади, — дейди фонднинг бош мутахассиси Мадина Рўзматова. — Мисол учун, 65 ахборот-таҳлил, ижтимоий-сиёсий, янгиликлар тарқатадиган босма оммавий ахборот воситасига ўз веб-сайтини яратишга ёрдам берилди. Уларнинг 59 таси газета, бештаси журнал ва биттаси мустақил интернет-нашр сайтидир. Фонд томонидан "Интернет тармоғи базасида етакчи йирик медиа-тузилмалар, ҳудудий туман ва шаҳар таҳририятлари ўртасида ўз вақтида ва сифатли ахборот алмашиш тизимини яратиш" лойиҳасининг амалга оширилгани таҳририятлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги муҳим воқеа бўлди.

Семинар иштирокчилари электрон нашрларнинг ўзига хослиги ва устуворлиги интернетнинг кенг имкониятлари орқали аниқланишини қайд этди. Биринчи навбатда, бу тезкор ахборот етказишдир. Масалан, бир неча дақиқа аввал рўй берган воқеадан тармоқда кўп миллионли аудитория хабардор бўлади.

— Материални сифатли қилиб узатиш интернет оммавий ахборот воситасининг муҳим устуворликларидан биридир, — дейди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг катта ўқитувчиси Нозима Муротова. — Бу нафақат рангли тасвирлар, балки анимация ва видео-эффектлар, овоз жўрлиги ва бошқа безак воситалари бўлиб, улар биргаликда фойдаланувчиларнинг ахборот олишга бўлган қизиқишини янада оширади.

"Simple networking solutions" масъулияти чекланган жамияти директори Фарҳод Файзуллаевнинг таъкидлашича, ўн миллионлик Ўзбекистон интернет макони аудиториясининг катта қисми ҳар куни ахборот веб-сайтлари хизматидан фойдаланади. Уларга зарур ахборот-таҳлил маълумотларини қулай ва сифатли шаклда тақдим этиш учун янгиликлар тарқатувчи "Daryo.uz" веб-сайти кичкина матнлардан фойдаланмоқда. Бу фойдаланувчиларга вақтни тежаш, воқеа ва ҳодисаларнинг асосий жиҳатлари билан танишиш имконини бераётир. Мобиль қурилмалар учун махсус "Daryo.uz" иловасининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши фойдаланувчиларга катта қулайликлар яратди.

Экспертларнинг фикрича, бир пайтнинг ўзида ҳуқуқий, техник ва медиа йўналишларда комплекс чора-тадбирларнинг қабул қилиниши самарасида интернет-журналистика самарали ривожланади. Шу муносабат билан интернет оммавий ахборот воситалари фаолиятига нисбатан ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқларини тартибга соладиган қонунчилик базасини мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртларининг журналистика факультетларида алоҳида ўқитиш йўналишини ташкил этиш орқали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш зарур.

Интернет оммавий ахборот воситалари ривожлангани сайин улардан фойдаланувчиларнинг роли ҳам ўзгариб бормоқда. Улар аста-секин ахборот олувчи мақомидан ҳаммуаллиф ва тарқатувчи мақомига ўтмоқда. Семинар доирасида Ўзнет ва миллий ҳамжамиятларнинг ижтимоий тармоқдаги илғор блогларининг тақдимоти ҳам ўтказилади. Ушбу тақдимотларда фуқаро журналистикаси ва блог соҳасини ривожлантириш тенденциялари, ижтимоий тармоқларнинг медиа-макон воқеликларига таъсири таҳлил этилади. Шунингдек, иштирокчилар интернет-журналистиканинг миллий бўғинини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдиради.

Сардор ТОЖИЕВ,
Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбирлари

G'aroyib olam

Маълумки, инсоният қадимдан ўз саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликка чалинганда эса, табиий даво усуллари орқали тезроқ соғайиш йўлларини излаб келган.

Биз билган ва билмаган дунё



Айниқса, бу борада тез таъсир этувчи табиий малҳам кўпчиликни асрлар давомида қизиқтириб келган. Шу ўринда қуйидаги ривоятни эслаш жоиз:

... Айтишларича, инсон қадами етмайдиган юксак тоғларда баҳайбат харсанглар кўз ёш тўкади. Сўнг бу кўз ёшлар қотиб, мўъжизакор малҳам ҳосил бўлади. Бу малҳамни топиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, аммо уни кимки топса, бир умрга энг соғлом ва энг бақувват одамга айланади.

Кўп халқларда асрлар оша шунга ўхшаш бир талай ривоятлар яшаб келган. Хўш, ўша сирли малҳамнинг ўзи нима? Ўзига хос табобатга эга тибетликлар уни "барагшун" — қоя шарбати, Бирмада эса "чаотун" — тоғ қони, бизда эса, "мўмиё" деб аташади. Дунёда ушбу малҳамнинг энг кенг тарқалган атамаси ҳам мўмиёдир.

Тарихдан маълумки, эрамизнинг I ва II минг йилликлари сарҳадида ушбу малҳамдан табиблар барча касалликларни даволашда кенг фойдаланганлар. Мўмиёнинг самарадорлигига қадимги ва ўрта асрлардаги кўплаб олимлар, шифо аҳли ҳам қойил қолишган.

Хўш,аслида мўмиё қандай пайдо бўлган? Мўмиёнинг келиб чиқиши ҳақида турли-туман фикр-мулоҳазалар мавжуд. Ҳозирги илмий тушунчага кўра, минерал, ҳайвон ва ўсимлик мўмиёлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, асосий фарқлари шифобахш хусусиятлари самарадорлигидадир. Хусусан, Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур "Тиб қонунлари" китобида мўмиёни меъдани мустаҳкамлайдиган, нафас олишни енгиллаштирадиган, энг такомиллашган дори деб тавсифлаган.

1564 йилда Наварра қиролининг махсус шифокори Гий де ля Фонтен мўмиё ҳақида батафсил маълумот тўплаш мақсадида Мисрга саёҳат қилади. Негаки, ўша вақтларда Миср мўмиёси шовшувга сабаб бўлиб, ҳатто мўмай пул ишлаш воситасига айлана бошлаганди. Маҳаллий савдогарлардан бири унга мўмиёнинг 40 та турини кўрсатади ва олим айнан мана шу мўмиёлар устида илмий тадқиқот ишларини олиб боради.

Яқинда норвегиялик олим Т.Виснес Антарктида мўмиёсининг келиб чиқиши шимол бўрон қушларига боғлиқлигини исботлашга муваффақ бўлди. Олим бу қушларнинг инини кузатади. У инлар ёнидаги қояларда бўрон қушининг тошга айлана бошлаган темир зарралари аралаш чиқиндисини топиб олади. Бундай чиқиндилар йиллар мобайнида қандайдир мураккаб ички реакциялар таъсири остида аста-секин совуқ иқлим мўмиёсига айланар экан.

Эътироф этиш керакки, ҳозирги кунда замонавий техник воситалар орқали олимлар ўнлаб лабораторияларда мўмиёнинг турфа навлари устида иш олиб боришмоқда. Бошқача айтганда, уни эритиб ҳам кўришди: маълум қисми 200 даража иссиқликда эриган бўлса, айрим турлари 300 даража қиздирилганда ҳам ўз хусусияти ва шаклини ўзгартирмаган. Баъзиларини парчалашганда эса, қандайдир нефтсимон махсулот ҳосил бўлган. Шу боис ҳам айрим олимлар нефтни мўмиёнинг пайдо бўлиши ва унинг шифобахш хусусиятларида бевосита бирламчи сабаб сифатида кўрсатишмоқда. Бундай хулосада жон борга ўхшайди. Негаки, азал-азалдан нефтнинг ўзи ва у табиий парчаланганда ҳосил бўлган моддадан одамлар дори-дармон сифатида фойдаланиб келишган.

Мутахассисларнинг фикрича, мўмиёда кальций, фосфор, калий, шунингдек, стронция ва бериллийнинг оксиди борлиги учун ҳам синган суякни даволаш пайтида битиш тезлашади. Негаки, суякларни бутловчи муҳим "ускуналар" бевосита мўмиёнинг ўзида сероб. Шунга кўра, бемалол айтиш мумкинки, мўмиё ҳатто замонавий антибиотиклар ҳам зарарсизлантира олмаган микробларни бутунлай қириб ташлаш хусусиятига эга ноёб тиббий модда ҳисобланади. Очиқ табиатда ҳам ҳайвонларнинг нохос синган ёки йирингланган юқумли яраларига мўмиё суртилса, тез тузалиши кўп бора ўз исботини топган.

Хулоса шуки, мўмиё — табиий микроунсурларнинг ҳақиқий хазинасидир. Яъни мўмиё — минераллар, ҳайвонлар ва ўсимликлар моддаларининг ўзига хос табиий омухтаси ҳисобланади. Эҳтимол, мўмиё сирининг асрлар давомида бутун ер юзида турлича талқин этилишининг асосий сабаби ҳам шунда бўлса, ажаб эмас.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодексининг 330-моддасида даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими ҳақида фикр юритилган.

Maslahat

Келишув битими

уни даъвогар ва жавобгар ўртасида тузиш тартиби

Унга кўра, апелляция шикояти берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши ёзма шаклда баён этилиб, апелляция инстанцияси судига топширилиши лозим. Агар ишни кўриш вақтида даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса, жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ёки тарафлар келишув битими тузсалар, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва баённомани тегишлича даъвогар, жавобгар ёки ҳар икки тараф имзолайди.

Суд даъводан воз кечишни қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга ёки тарафларга бундай процессуал ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиради.

Апелляция инстанция суди даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилганида ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаганида чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва иш юритишни тугатади.

Агар даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши ёки тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса ёхуд ўзганинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига хилоф бўлса, суд воз кечишни рад қилиб ёки тузилган келишув битимини тасдиқламай, ишни апелляция тартибида кўради.

Акбар ЖАББОРОВ,
Олий суд катта консультанти

Jinoyat va jazo

Ҳалоллик – умрга мазмун бағишлайди

қинғирлик эса, жазосиз қолмайди

Маълумки, бу ҳаётда инсонни ростгўйлик, самимийлик, ҳалоллик ва меҳнаткашлик каби фазилатлар улуғлайди. Зотан, ушбу фазилатлар табиатидан чуқур жой олган киши ҳамиша эзгу ва савоб ишларга бош бўлади, турли хил иллатлардан йироқ юради. Шу тариқа эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонади.

Афсуски, ҳаётда осон йўл билан бойлик топиш илинжида ҳар қандай қинғирликка қўл уришдан тап тортмайдиган айрим кимсалар ҳам учраб туради.

Масалан, Д.Қодирова Денов туманидаги мактабларнинг бирида рисоладагидек ўқитувчи вазифасида фаолият юритиб келаётган эди. Кунларнинг бирида мактаб директори бошқа ишга ўтаётганини эшитиб, кутилмаганда унинг фикри бузилди. У ўзига бу вазиятдан фойдаланиб қолишни режалаштирди. Гап шундаки, ўша кезларда мактаб жамоаси орасида фалончи директор бўлар экан, деган гап-сўзлар юрарди. Бу гап-сўзларда ўқитувчи Х.Бозоровнинг номи ҳам тез-тез тилга олинарди.

Хуллас, бундан ўз чиркин манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлган Д.Қодирова Х.Бозоровнинг турмуш ўртоғи Барно Тўраеванинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, ўзини жуда сипо тутган кўйи гап бошлайди:

— Барно опа, сизни хурсанд қиладиган бир янгилик бор. Хабарингиз бўлса керак, директоримиз яқинда бошқа ишга ўтиб кетди. Мен "юқоридагилар" билан гаплашиб, уларни турмуш ўртоғингизни мактабга директор этиб тайинлашга кўндирдим. Қолаверса, ҳамкасбларимиз ҳам шу ниятда юришибди. Энди фақат озгина харажатидан қочмасаларинг бўлди. Қанчалик тез бўлса, шунча яхши. Қарабсизки, иш "пишди" деяверинг.

Қисқаси, шу куни телефондаги гап орасида Д.Қодирова Барно опага 1000 АҚШ доллари беришини айтиб ўтади.

Буни қарангки, Д.Қодированинг ҳийла-мақрига учган Б.Тўраева дарҳол пул излашга тушади. У таниш-билишларидан қарз кўтариб, аввал 500 АҚШ доллари, кейинчалик эса, 1 миллион 100 минг сўм миқдоридаги маблағни Д.Қодировага қўш-қўллаб тутқазади.

Бироқ орадан анча вақт ўтишига қарамай, Д.Қодированинг ваъдаси амалга ошмайди. Аниқроғи, бу орада мактабга бошқа киши директор этиб тайинланади.

Шундан сўнггина Б.Тўраева бир фирибгар аёлнинг алдаб-аврашларига ишониб, "чув" тушганлигини англаб етади ва у ўз қўли билан берган пулларини қайтариб ололмай, узоқ вақт овора-ю сарсон бўлади. Охир-оқибат эса, у ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилади.

Буни қарангки, суриштирув ва тергов жараёнида Д.Қодирова турли важларни ўйлаб топишга, сувдан қуруқ чиқиб кетишга уринди. Бироқ у қанчалик уринмасин, келтирилган далил ва исботлар орқали унинг қилмиши тўлиқ исботланди.

Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар, албатта. Суд судланувчи Д.Қодировага нисбатан тегишли жазо тайинлади.

Фирибгарликнинг умри қисқа. Аммо бу ҳикматни била туриб, жирканч ишга қўл ураётган Д.Қодировага ўхшаган кимсаларнинг ҳаётда учраб туриши ҳар биримизни чуқур мулоҳаза юритишга, огоҳ бўлиб яшашга ундайди. Зеро, бепарволик ва лоқайдлик ҳеч кимга ҳеч қачон наф келтирмайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳаётда ўз шаъни ва қадр-қимматини баланд тутган, ўзидан кейин яхши ном қолдиришни истаган инсон фақат эзгу ва савоб ишларнинг бошини тутади. Аксинча, қинғирлик кўчасига билиб туриб, қадам босган киши айбига яраша жазо олади ва эл орасида юзшувут бўлиб қолиши тайин.

Зуфар НАРЗИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сариосиё тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-922. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8711.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 20³⁰